



# ТЕМИРҮО‘ЛСНИ

Temir yo‘llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҮО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 7-may • payshanba • № 18 (6598)

## ТАҲЛИЛ ВА РЕЖАЛАР МУҲОКАМСИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг I-чораги яқунлари ҳамда II-чоракка мўлжалланган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

## I-ЧОРАК ЯҚУНЛАРИ ҲАМДА II-ЧОРАККА МЎЛЖАЛЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

2026 йил I-чорагида поездлар ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилиши ҳолатлари таҳлил қилиниб, мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси кўриб чиқилди. Шу билан бирга, эксплуатацион кўрсаткичларни яхшилаш, юкларни етказиб бериш муддатларини қисқартириш ва ташиш самардорлигини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб олинди.



Шунингдек, йиғилиш давомида режалаштирилган вазифалар кўриб чиқилиб, рақамлаштириш жараёнлари ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот тингланди.



Йиғилиш якунида молия-иқтисодиёт йўналиши бўйича ҳисоботлар қилинди ҳамда масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

## УЗОҚ КУТИЛГАН ОРЗУ:

# ТОШКЕНТ – ХИВА – ТОШКЕНТ Йўналишида “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” ПОЕЗДИ ҲАРАКАТИ Йўлга қўйилди

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 5 МАЙ КУНИДАН БОШЛАБ ХАЛҚИМИЗ УЗОҚ КУТГАН ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ЗАМОНАВИЙ “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” Йўловчи поезди “ТОШКЕНТ-МАРКАЗИЙ” ВОКЗАЛИДАН ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ХИВА ШАҲРИГА ИЛК ҚАТНОВИНИ РАСМАН БОШЛАДИ.



Шу муносабат билан “Тошкент-Марказий” темир йўл вокзалида янги поезднинг дастлабки қатновига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон темир йўл-

лари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ҳикматилла Раҳметов, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Вон До Ён, “Hyundai

Rotem” компаниясининг вице-президенти Ли Вон Сан, Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Қўтимурат Сабилов ҳамда темир йўл фахрийлари сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан темир йўл соҳасига катта эътибор берилганлиги ва замонавий ҳамда тезкор поездлар йўлга қўйилганлигини алоҳида қайд этиб ўтишди. Ушбу юқори тезликда ҳаракатланувчи поезд ҳам пойтахтимиз Тошкентни мамлакатимизнинг шимолий ҳудудидаги қадимий ва туризм шахри бўлган

учун ҳам катта қулайликларни яратиши шубҳасиз. Шу куни эрта тонгда поезд Тошкентдан ҳаракатланиб “Самарқанд”, “Бухоро” ҳамда “Урганч” темир йўл вокзалларида тўхтаб, “Хива” вокзалига борди.

Бугунги кунда тезкор поездларимиз Тошкентдан Хивагача бўлган масофани 14 соатда босиб ўтаётган бўлса, “Hyundai Rotem” поезди ҳаракатга қўйилиши билан мазкур масофа вақти деярли икки баробарга қисқарди. Ушбу юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий поездлар Тошкентдан Хивагача бўлган 1 минг 22 километрлик масофани 7 ярим соатда босиб ўтди.

Йўл давомида илк қатновнинг йўловчилари, меҳмонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари поезд қулайликлари, замонавий шароитлари ҳамда юқори тезликда ҳаракатланиш



Хива билан боғлаши юртимиз темир йўл транспорти тарихида катта муваффақият эканлигини мамнуният билан тилга олишди. “Жалолиддин Мангуберди” поездининг Тошкент ва Хива шаҳарлари орасида мунтазам қатнаши нафақат юртимиз аҳолиси учун, балки хорижлик сайёҳлар

имкониятларини ўз кўзлари билан кўришди.

Поезд етти ярим соатда “Хива” вокзалига муваффақиятли етиб келди ва янги поезднинг дастлабки рейси тантанали кутиб олинди.

Давоми 2-бетда

## Йўловчи парки янгиланмоқда

## “ТОШКЕНТ Йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ:

# ЗАМОНАВИЙ ВАГОНЛАР НАФАҚАТ ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ИЛҒОР, БАЛКИ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ УСТУВОР Қўйган ҳолда яратилгани билан ҳам аҳамиятлидир

Бугунги кунда Ўзбекистон темир йўл транспортини модернизация қилиш ва аҳолига янада сифатли хизмат кўрсатиш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида белгиланган вазифалар ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 19 март куни “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятига ташрифи давомида



берган топшириқлари соҳада янги босқични бошлаб берди. Мазкур вазифалар ижроси юзасидан завод томонидан 2024 йилдан бошлаб “Янги Ўзбекистон” тимсоли-



даги замонавий йўловчи вагонларининг бир қатор янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, 61-950 русумли плацкарт, 61-951 русумли купе, 61-954



русумли ресторан, 61-955 русумли икки кишилик ётоқли купе (СВ) ҳамда 61-956 русумли имконияти чекланган йўловчилар учун мўлжалланган махсус вагонларни айтиб ўтиш лозим. Бу каби турли хилдаги вагонлар йўловчилар эҳтиёжларини комплекс равишда қондиришга хизмат қилади.

Замонавий йўловчи вагонларининг асосий афзаллиги – уларнинг юқори даражадаги қулайлик ва функционалликка эгаллигидир. Вагонлар кенг ва шина купелар, замонавий электр сув қайнаткичлар,

қулай ётоқ жавонлари, алоҳида ҳаво ҳароратини бошқариш тизими, мобил алоқаларни қувватлагичлари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, вагонларда экологик тоза ҳожатхоналар, хавфсизликни таъминлаш мақсадида видеокузатув тизимлари жорий этилган. Айниқса, имконияти чекланган шахслар учун махсус шароитлар – аравачалар, кириш-чиқиш йўлақлари ва бошқа яратилган бир қатор имкониятлар ҳам назарда тутилган.

Бугунги кунга қадар мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилиши қўзғалган 70 та замонавий йўловчи вагонларидан 55 таси мамлакатимиз темир йўлларига етказиб берилиб, аҳолига хизмат кўрсатишга йўналтирилди. Қолган 15 та йўловчи вагони эса жорий йилнинг иккинчи чорагида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Давоми 2-бетда

УЗОҚ КУТИЛГАН ОРЗУ:

# ТОШКЕНТ – ХИВА – ТОШКЕНТ ЙЎНАЛИШИДА “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” ПОЕЗДИ ҲАРАКАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда»

250 километр тезликда ҳаракатланувчи поезд таркибининг узунлиги 175 метр, сизими 389 урингача. 7 та вагондан иборат. Ўзбекистоннинг иқлим шароитига тўлиқ мослаштирилган. Яъни +50 ҳароратдаги иссиқлик ҳамда -40 даражадаги совуқликда ҳам ишончли ҳаракатланиш имконига эга. Поезд Қизилқум чўлининг кум-

ли участкаларидан ўтаётганда ҳам вагонлар ичига чанг мутлақо кирмайди, ҳаддан ташқари юқори ва паст ҳароратларга, кум-бўронларга чидамли тизимлар билан жиҳозланган ҳамда узоқ масофаларга саёҳат қилиш учун мўлжалланган. Янги поезд вагонларида ўриндиқлар йўловчи хоҳишига қараб ҳар икки йўналиш бўйича бурилади, шунингдек, вагонларда кузатув камера-

лари ҳам ишлаб туради, махсус экранларда эса ҳаракат харитаси ва тезлик кўрсаткичлари кўрсатиб берилади.

Янги авлод поездларининг юртимизга олиб келиниши соҳадаги ислохотларнинг ифодаси бўлиб, нафақат аҳолига қўлайлик ҳозирлаш, балки туризм имкониятларини ошириш имконини беради.

Таъкидлаш лозимки, ушбу поездларни йўлга қўйиш учун Ўзбекистон темирийўлчилари томонидан 450 километрлик “Бухоро – Урганч – Хива” участкаси юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар учун тўлиқ электрлаштирилди. Шунингдек, “Навоий – Бухоро” участкасида 92,12 километрлик янги электрлаштирилган юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларга мослаштирилган иккинчи темир йўл қурилиши лойиҳаси якунига етказилди. Ушбу йўналишда поездлар 250 километр тезликкача ҳаракатланиш имконига эга бўлади.



Замонавий поездларнинг мамлакатимиз темир йўлларида қўйилиши олдиндан эса “Тошкент – Самарқанд – Навоий – Бухоро – Хива” темир йўл участкаларида ҳаракат хавфсизлигини ва мавжуд инфратузилма бутлигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва “Hyundai Rotem” компаниясидан келган мутахассислар томонидан замонавий поездда режалаштирилган техник синов назорат

ҳаракатлари ҳам муваффақиятли амалга оширилди.

Айни пайтда темирийўлчилар томонидан амалга оширилган 196,2 километрлик “Мискин – Нукус” участкасидаги электрлаштириш ишлари муваффақиятли якунланганча, 2027 йилда Тошкент – Нукус – Тошкент шахарлари орасида ҳам “Hyundai Rotem” компанияси поездлари ҳаракатланиши режалаштирилмоқда.

Рустам ҲАЙДАРОВ



ЁШЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ИСЛОҲОТИ

## МАРКАЗИЙ АППАРАТДА “РАҲБАР ВА ЁШЛАР” УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида “Темирийўлчи-фратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси С.Норқабилов раҳбарлигида жамият таркибидagi корхона ва станцияларда фаолият юритаётган ёшлар билан “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди.



ҚАРОР ИЖРОСИ

Учрашув уч босқичда ташкил этилди. Дастлаб “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида ёшларга оид давлат сиёсати, ёш кадрларга яратилаётган шароитлар, уларга қўйилаётган талаб ва вазифалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Кейинчалик учрашув очик мулоқот тарзида давом эттирилиб, ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар, таклиф ва ташаббусларини

бевосита раҳбарга етказди-лар.

Яқунда соҳада фаоллик кўрсатиб, турли танловларда муносиб иштирок этган ёшлар жамият томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Мазкур учрашув ёшлар билан очик мулоқотни мустаҳкамлаш, уларнинг фикр ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда келажақда янада самарали фаолият олиб боришлари учун муҳим аҳамият касб этади.

## “ҚЎҚОН” ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИ ЯНГИ ЛОКОМОТИВЛАР ВА ЭЛЕКТРОПОЕЗД БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 329-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев ташаббуси асосида соҳага замонавий ёндашувлар жорий этилиб, тизимнинг барча бўғинларида туб янгиланишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ислохотлар доирасида нафақат ҳаракат таркибини модернизация қилиш, балки темир йўл ходимлари учун қўлай, замонавий ва хавфсиз иш муҳитини яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, Локомотивлардан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидaги барча корхоналар ва локомотив депо филиалларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, техник хизмат кўрсатиш жараёнларини оптималлаштириш ҳамда меҳнат шароитларини яхшилаш борасида изчил ишлар бажарилапти.

Ана шундай ижобий ўзгаришлар “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиалининг “Қўқон” локомотив депосида ҳам яққол намён бўлмоқда. Мазкур депода ишлаб чиқариш инфратузилмасини янгиллаш, техник базани мустаҳкамлаш ҳамда ходимлар учун замонавий иш шароитларини яратиш борасида бир қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, локомотивлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, техник хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга ва умумий иш унумдорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ривожланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий давоми сифатида депога жорий йилнинг февраль ойида 2 та янги, замо-



навий, Хитойнинг “CRRC ZHUZHOU LOCOMOTIVE” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, қуввати 14400 кВт бўлган “O’z12E” русумли локомотивлар олиб келинган бўлса, шу йилнинг апрель ойида “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган 1 та янги ва замонавий, жами 6 вагонга эга, 586 ўринга мўлжалланган, соатига 120 километр тезликкача чиқа оладиган, ташув имконияти 1,5 минг, йилига

600 минг нафар йўловчига мўлжалланган, ҳар бир вагонда иқлим назорати тизими, кондиционерлар, бепул Wi-Fi, гаджетлар учун USB-портлар, велосипедлар учун маҳкамлагичлар, ногиронлиги бор шахслар учун махсус кўтаргичлар, кенг жойлар ва мослаштирилган ҳожатхоналарга эга электропоезд олиб келинди.

Ушбу локомотивлар илғор технологиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, юқори энергия самарадорлиги, ишончлилик даражаси ҳамда

эксплуатация қўлайлиги билан ажралиб туради. Уларнинг жорий этилиши юк ва йўловчи ташиш жараёнларининг сифатини ошириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда эксплуатация харажатларини камайтиришга хизмат қилади.

Янги локомотивлар олиб келиниши муносабати билан “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Б.Милладжанов ҳамда Локомотивлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ш.Туляганов бошчилигида “Қўқон” локомотив депосида йилгилиш бўлиб ўтди. Унда янги электровозлардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш сифати, эксплуатацияда интизомга риоя этиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, масъул мутахассисларга аниқ вазифалар юклатилиб, топшириқлар ижроси қатъий назоратга олиниши таъкидланди.

2026 йил май ойида яна 6 та замонавий локомотив олиб келиниши режалаштирилмоқда.

## “ТОШКЕНТ ЙЎЛОВЧИ ВАГОНЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ” АЖ: ЗАМОНАВИЙ ВАГОНЛАР НАФАҚАТ ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ИЛҒОР, БАЛКИ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ УСТУВОР ҚЎЙГАН ҲОЛДА ЯРАТИЛГАНИ БИЛАН ҲАМ АҲАМИЯТЛИДИР



«Давоми. Бошланиши 1-бетда»

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида мамлакатимиз темир йўл тармоғини ривожлантириш, замонавий транспорт воситаларини жорий этиш ҳамда sanoat салоҳиятини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида янги турдаги ҳаракатланувчи таркибларни ишлаб чиқариш ва уларни маҳаллий шароитда ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, жорий йилда мазкур лойиҳага биноан 12 та вагондан иборат (2-таркибли) янги ЭПЗД русумли электропоезд вагонлари муваффақиятли синовдан ўтказилди ва фойдаланишга топширилди.



Ушбу лойиҳа нафақат ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, балки маҳаллий мутахассисларнинг малакасини ошириш, янги технологияларни амалиётга жорий этишда ҳам муҳим қадам бўлди. Айниқса, муҳандис ва техник ходимларнинг амалий кўникмаларининг шаклланиши, янги билимлар ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса келгусида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.



Бугунги кунда sanoat корхоналари олдида турган устувор вазифалардан бири – ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишдир. Шу нуқтаи назардан, “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мазкур корхона томонидан экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш мақсадида Россия Федерацияси бозорига чиқиш бўйича аниқ режалар белгиланган. Жумладан, 2026 йил якунига қадар 42 та йўловчи юк (багаж) вагонларини экспорт қилиш кўзда тутилган. Бу эса нафақат корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, балки мамлакат иқтисодиётига валюта тушумини кўпайтиришга ҳам хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган замонавий йўловчи вагонлари нафақат техник жиҳатдан илғор, балки инсон манфаатларини устувор қўйган ҳолда яратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу эса мамлакатимиз темир йўл соҳасида халқаро стандартларга мос, рақобатбардош тизимни шакллантиришга хизмат қилади.

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

**УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА ФРОНТ ОРТИДА ХИЗМАТ ҚИЛГАНЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 апрелдаги “9 май – Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаевнинг 2026 йил 28 апрелдаги “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти пенсионерлари – Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги буйруғига асосан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 15 миллион сўм миқдорида, Иккинчи жаҳон урушининг меҳнат фронти қатнашчиларига эса 5 миллион сўм миқдорида пул мукофоти берилиши белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларни ҳар қанча ардоқлаб, қадрига етиб, улуғласақда йил ўтган сари уларнинг сони камайиб бормоқда. Бугунги кунда темир йўл соҳасида ишлаб, нафақага чиққан Иккинчи жаҳон урушида иштирок этганларнинг 3 нафари ҳаёт. Улардан Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган 99 ёшли Боқижон Назаров (“Ўзтемирйўлйўловчи” акциядорлик жамияти), 99 ёшга тўлган Фёдор Федин (“Тошкент механика заводи” акциядорлик жамияти) ва 101 ёшни қарши олган фарғоналик Усмонжон Раҳимовлардир (“Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали). Шунингдек, бугунги кунда 8 нафар фронт ортида меҳнат қилган темирйўлчилар ҳаёт.

Жамият бошқаруви раиси буйруғига асосан республикаимизнинг турли шаҳар ва вилоятларидаги минтақавий темир йўл узеллари ҳамда корхоналарнинг раҳбар ва мутахассислари, касаба уюшма кўмиталари раислари ҳудудларда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган темирйўлчилар, нафақадаги соҳа ходимлари хонадонларига бориб, темир йўл раҳбарияти табригини етказиб, пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғаларини топширишмоқда. Афон уруши ва Чернобыль фожиясида иштирок этган темирйўлчилар ҳам Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда минтақавий темир йўл узелларидаги ҳудудий кўмиталар томонидан моддий рағбатлантирилиб, совға-саломлар берилди.

**ЖОЙЛАРДА АМАЛИЙ ЎРГАНИШ ВА НАЗОРАТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛДИ**

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари М.Мирзаев “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш

мақсадида жойларда амалий ўрганиш ва назорат ишларини олиб борди.

Хусусан, ишчи-ходимлар билан бевосита мулоқот қилиш, ҳаракат хавфсизлиги ҳолатини ўрганиш ҳамда жойларда олиб борилаётган ишларни кўздан кечириш мақсадида Қарши – Бухоро шахарлараро йўловчи поезда ТЕП70БС-181 тепловоз каби-насида, “Қарши” – “Муборак” станциялари орали-гида кузатув амалга оширилди.

Бундан ташқари, “Машъал” станцияси ҳудуди-да 10-, 12-, 30- ва 40-сонли стрелкали ўтказгичлар-да янгилаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, мавжуд ёғоч бруслар боқсичма-боқсич замонавий темир-бетон брусларга алмаштирилмоқда ҳамда барча жараёнлар оғир турдаги махсус техникалар ёрдамида сифатли ташкил этилмоқда.



Мазкур ишлар “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи томонидан бевосита назорат қилиниб, жараёнларнинг изчил ва белгилан-ган талабларга мувофиқ амалга оширилиши на-зоратга олинди. Ҳозирги вақтда ишлар жадаллик билан давом этиб, темир йўл инфратузилмасининг мустаҳкамлигини ошириш ҳамда ҳаракат хавфсиз-лигини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

**ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА**

“Поездлар ҳаракати хавфсизлиги” кунда “Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Палимбетов томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” акция-дорлик жамияти бошқаруви раиси тасдиқлаган 1-Н-сонли “Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи ижроси юзасидан жойларда амалий ўрганиш ва назорат олиб борилди.



Текширув давомида “Мискин” станцияси, Мис-кин электр таъминоти масофаси ва бир қатор те-мир йўл инфратузилмалар ҳолатини ўрганиш, йўл-лар, контакт тармоқлари, йўлдаги мавжуд қурил-малар ва сунъий иншоотларни кўздан кечириш, ишчи-ходимлар билан бевосита мулоқот қилиш ҳамда олиб борилаётган ишлар сифати ўрганилди.

Шунингдек, “Мискин” станциясида темир йўл излари, стрелкали ўтказгичлар, светофорлар ҳам-да юк вагонларининг техник ҳамда тижорий ҳолати кўздан кечирилиб, аниқланган камчиликларни бар-тараф этиш юзасидан масъул раҳбарларга курсат-малар берилди.



**МАСЪУЛЛАРГА ТЕГИШЛИ ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жа-мияти бош муҳандиси Ш.Қодиров ҳамда “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳан-диси иштирокида узелга қарашли темир йўл участ-каларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, юзага келиши мумкин бўлган носозликларни олди-ни олиш ҳамда инфратузилмалар ҳолатини яхши-лашга қаратилган ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганишлар доирасида “Нишон” станцияси-да темир йўл инфратузилмаси ҳамда техник вос-италар атрофида кўздан кечирилди. Аниқлан-ган камчиликларни бартараф этиш, профилактик таъмирлаш ишларини жадаллаштириш, ҳаракат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, “Ибн Сино Асл Чорвадори” масъу-лияти чекланган жамияти раҳбари билан учрашу-в ўтказилди. Мазкур тадбиркор томонидан импорт қилинаётган бугдой маҳсулотларини темир йўл ор-қали ташиш, шунингдек, Афғонистон ва Тожики-стон йўналишларида экспортни йўлга қўйиш маса-лалари муҳокама қилинди. Учрашувда тадбиркор-нинг таклиф ва муаммолари тингланиб, юк ташиш жараёнларини янада қулай ва самарали ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА**

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” фили-али раҳбарияти бошчилигидаги ишчи гуруҳи томо-нидан пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 35-мактабда темир йўлларда ҳаракат хавфсизли-гини таъминлаш юзасидан тарғибот тадбири ўтказ-илди.

Унда узел бошлиғининг ўринбосари Р.Эшанку-лов, ёшлар етакчиси, Транспорт назорати инспек-цияси, ички ишлар вакиллари темир йўл соҳаси-да амалга оширилаётган янгиликлар, жумладан, замонавий поездларнинг сони кўпайиши, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида қилинаётган сайъ-ҳаракатлар, шунингдек, сўнгги пайтларда те-мир йўл ҳудудида ёшларнинг вагонлар устига чи-қиши, темир йўлдан ўтаётганда телефон ўйнаб, ку-лоқчин тақиб, қойдаларга эътибор бермасликлари оқибатида турли хил нохуш ҳолатлар юз бераёт-ганлиги хусусида кенг маълумот бердилар.

Шунингдек, доим темир йўлдан ўтаётганда ҳ-шёр ва огоҳ бўлишларини яна бир бор ўқитишди.



**В ВЕРХНЕЙ АВСТРИИ МОДЕРНИЗИРУЮТ ЖЕЛЕЗНУЮ ДОРОГУ INNKREISBANH**

Федеральные железные доро-ги Австрии (ÖBB) 27 апреля 2026 г. приступили к ре-ализации проекта стоимостью 87,3 млн евро, который предусматривает электрификацию региональной линии Innkreisbahn, соединяющей станции Ноймаркт-Кальхам и Браунау-ам-Инн (вблизи границы с Германией) в федеральной земле Верхняя Австрия. Также планируется обновить системы сигнализации, внедрив пять систем микропроцессорной централизации, и реконструировать станцию Рид-им-Иннкрайс, которая станет современным транспортным узлом.



Однопутная железная дорога Innkreisbahn эксплуатируется с 1870 г., в настоящее время ее протяженность составляет около 55 км, она используется для движения как пассажирских, так и грузовых поездов.

В ходе выполнения проекта планируется установить около 1200 опор и смонтировать 68 км контактной подвески. Чтобы свести к минимуму возможные неудобства, ÖBB выбрали для поэтапного проведения работ ночные часы и летний период. Пассажирам предложат компенсирующие автобусные маршруты.

Все работы намечено завершить к концу 2029 г., по линии Innkreisbahn начнут курсировать современные электропоезда, что позволит повысить уровень комфорта для пассажиров.

**ОТКРЫТЫ ДВА НОВЫХ МУЛЬТИМОДАЛЬНЫХ МАРШРУТА ИЗ ПОЛЬШИ В ЕВРОПЕЙСКИЕ ПОРТЫ**

Они соединили Польшу с морскими портами на побе-режье Адриатического и Северного морей. Польская транс-портно-логистическая компания Miratrans приступила к пе-ревозкам поездами-шаттлами между терминалами в Кшеве (Лодзинское воеводство) и в порту Роттердама. По этому маршруту организованы перевозки контейнеров и полупри-цепов высотой до 4 м двумя парами поездов в неделю.

Они соединили Польшу с морскими портами на побе-режье Адриатического и Северного морей. Польская транс-портно-логистическая компания Miratrans приступила к пе-ревозкам поездами-шаттлами между терминалами в Кшеве (Лодзинское воеводство) и в порту Роттердама. По этому маршруту организованы перевозки контейнеров и полупри-цепов высотой до 4 м двумя парами поездов в неделю.

Они соединили Польшу с морскими портами на побе-режье Адриатического и Северного морей. Польская транс-портно-логистическая компания Miratrans приступила к пе-ревозкам поездами-шаттлами между терминалами в Кшеве (Лодзинское воеводство) и в порту Роттердама. По этому маршруту организованы перевозки контейнеров и полупри-цепов высотой до 4 м двумя парами поездов в неделю.



Между тем оператор контейнерных перевозок Baltic Rail (входит в состав Rail World Group) объявил об открытии нового маршрута между хорватским портом Риека, двумя терминалами на юге Польши (во Вроцлаве и Катовице) и терминалом в Паскове (Чехия) недалеко от польской грани-цы. Маршрут представляет для польских грузоотправителей альтернативу сообщению со словенским портом Копер. По маршруту между хорватским портом Риека и терминалами во Вроцлаве, Катовице и Паскове, по данным Baltic Rail, организовано движение от одной до двух пар поездов ежене-дельно.

В последние годы мультимодальные перевозки в Поль-ше демонстрируют устойчивый рост. В 2025 г. их объем (с участием железнодорожного транспорта) в этой стране по сравнению с 2024 г. вырос на 2,6%, грузооборот – на 2,8%.

**БРИТАНСКИЙ ОПЕРАТОР ОПРОБУЕТ ГЕНЕРАТОРЫ ЭНЕРГИИ ОТ ПОТОКА ВОЗДУХА ПРИ ПРОХОДЕ ПОЕЗДОВ**

Пассажирский опе-ратор LNER, выполняю-щий перевозки между Лондоном и городами на северо-востоке Ве-ликобритании, и спе-циализирующийся на «зеленой» энергетике стартап Treena опробуют ветрогенераторы, работающие от возникающих при движении поездов турбулентных возду-шных потоков.



Установка с тремя турбинами, изготовленными из пере-работанных материалов, размещена в полосе отвода на ма-гистральной Восточного побережья (ECML) неподалеку от депо в пригороде Эдинбурга, где обслуживаются поезда построй-ки компании Hitachi Rail. По результатам же испытаний будет изучаться возможность применения таких ветрогенераторов на других магистральных железных дорогах страны.

Одна турбина вырабатывает электроэнергию, которой достаточно для удовлетворения трети потребностей по ос-вещению малой станции, питания четырех камер видеонаб-людения или двух мониторов для информирования пасса-жиров. Пять турбин способны сократить выбросы на 12 т углекислого газа ежегодно, что эквивалентно посадке 500 деревьев.

По материалам интернета

ТАДБИР

**“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА КОРРУПЦИЯ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА ТАРҒИБОТ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти фаоллар залида Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ўринбосари Ж.Юлдашев, Ишларни бошқариш дирекцияси бош муҳандиси Б.Мадаминов ҳамда Киберхавфсизлик бошқармаси техник-таҳлил бўйича етакчи мутахассиси З.Садиков ҳамкорлигида Ишларни бошқариш дирекцияси ишчи-ходимларига “Коррупция-ни олдини олиш” ва “Ахборот хавфсизлигини таъминлашда киберхавфсизликнинг ўрни” мавзуларида тарғибот йиғилиши ўтказилди.



жиддий тўсиқ бўлаётган глобал муам-молардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир давомида Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бош-лиғи ўринбосари Ж.Юлдашев сўзга чиқиб, коррупция жамият тараққи-ети кушандаси эканлиги, уни барта-раф этиш йўллари ва бунда ёшлар дунёқараши ҳамда уларнинг онгини тўғри йўналтириш, коррупциянинг салбий оқибатлари ҳақида гапириб

ўтди. Шу билан бирга Киберхавф-сизлик бошқармаси мутахассислари томонидан кибертаҳдидлар тури ва кўлами кенгайиб бораётганлиги, фи-шинг, зарарли дастурлар, ҳакерлик ҳужумлари, шахсий маълумотларни ўғрилаш каби ҳолатлар кўпайганли-ги, бу эса нафақат алоҳида фуқаро-лар, балки давлат ташкилотлари ва халқаро хавфсизликка таҳдид со-лаётганлиги борасида маълумотлар берилди.

Тарғибот йиғилиши ходимлар ўр-тасида коррупцияга қарши муросаз муносабатни шакллантириш, шунинг-дек, киберхавфсизлик бўйича билим ва кўникмаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу каби тадбирлар соҳада шафдофликни таъминлаш, ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва коррупцияга қар-ши курашишда умумий саломатликни оширишга хизмат қилади.



ЁЗ МАВСУМИГА ТАРАДДУД

**БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИДА ЁЗГИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамиятининг 2026 йил 6 апрелдаги 210-сонли хати ҳамда Республика комиссияси мажлисининг 30-сонли баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тизим тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.



Мазкур чора-тадбирлар 2026 йил ёзги мавсумда соҳа ходимлари фарзандларининг мароқли, мазмунли ва сифатли дам олишини таъминлаш, шунингдек, бошқа болаларнинг ҳам оромгоҳларда дам олишини самарали ташкил этишга қаратилган. Шу асосда оромгоҳларни таъмирлаш, ободонлаштириш ва ривожлантириш бўйича белгиланган режа асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, “Қибрай” болалар соғломлаштириш оромгоҳига “Қуюв-механика заводи” ҳамда “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамиятлари, “Янги авлод” болалар соғломлаштириш оромгоҳига “Темирйўл-инфратузилма” акциядорлик жамияти ҳамда “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали, “Бурчи-мулло” болалар соғломлаштириш оромгоҳига “Темирйўл-инфратузилма” акциядорлик жамияти ҳамда “Ўзбекистон” локомотив депоси, “Темирйўлчи” болалар соғломлаштириш оромгоҳига “Темирйўл-инфратузилма” акциядорлик жамияти ва “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали, “Аловуддин” болалар соғломлаштириш оромгоҳига “Андижон механика заводи” акциядорлик жамияти бириктирилган бўлиб, айна пайтда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.



СПОРТ

**МИНИ-ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ**

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда узел Худудий касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан корхона, ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларни оммавий спортга кенг жалб этиш, уларни янада соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини барқарорлигини таъминлаш, ходимларнинг меҳнат фаоллигини ошириш мақсадида мини-футбол бўйича мусобақа ташкил этилди. Мусобақада “Ангрен” станцияси, Тошкент темир йўл масофаси, Жиззах темир йўл масофаси, Ховос узели, “Ўзбекистон” локомотив депоси, “1-сон энергомонтаж поезди” масъулияти чекланган жамияти, “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти, 203-тажриба йўл машина станцияси ҳамда Салар темир йўл масофаси ишчи-ҳодимларидан иборат спорт жамоалари иштирок этди.



Қизиқарли ва кескин баҳсларга бой ўтган ҳар бир учрашув қучиларни аниқлаб берди. Яқиний натижаларга кўра 1-уринни “1-сон энергомонтаж поезди” масъулияти чекланган жамияти, 2-уринни Ховос узели футбол жамоаси, 3-уринни эса Жиззах темир йўл масофаси ишчи-ҳодимларидан иборат футбол жамоаси кўлга киритди. Мусобақа сўнггида ғолиб жамоаларга “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда Худудий касаба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди. Биринчи ўринни эгаллаган “1-сон энергомонтаж поезди” масъулияти чекланган жамияти футбол жамоасига “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали худудий кўмитанинг кубоги топширилди.

АНВАР САЛИМОВ 1972 йили ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ УЧТЕПА ТУМАНИДА ТУҒИЛГАН. 1989 йили А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ “РЕЖИССЁРЛИК” БЎЛИМИГА ЎҚИШГА КИРГАН. ТЕЛЕВИДЕНИЕДАГИ ИЛК ҚАДАМЛАРИНИ 1985 йилда ТЕЛЕСПЕКТАКЛДА КИЧИК РОЛЬ ИЖРО ЭТИШДАН БОШЛАГАН.



**АНВАР САЛИМОВ: “УЧУВЧИ БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛГАНМАН”**



1994 йилдан буён Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида режиссёр, телебошловчи ва актёр сифатида фаолият юритиб келмоқда. У “Автопатруль”, “Бизнинг айвон”, “Ёшлар оқшоми” каби кўплаб кўрсатувлар муаллифи ва режиссёридир. 1998 йилда “Yoshlar” телеканали очилгач, у ерда фаолиятини давом эттирди. Ҳозирда “Bo'lajon” телеканалда иш-ламоқда. Кўплаб сериал, бадий фильм ва роликлардаги иштироки билан томошабинлар меҳрини қозонган. Қуйида у билан бўлган суҳбатимизни ўқишингиз мумкин.



чилик билан шуғулланяпмиз. Аслида телевидение соҳасига кириб келишимга тоғаларим сабабчи бўлишган. — “Аразлама” фильмида сизга энг ёққан эпизод қайси? — Бу фильм 2004 йили экран юзини кўрган. “Халқлар дўстлиги” саройида бир ярим ой давомида ҳар кун икки сеансдан намоиш этилган эди. Уша вақтда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош ҳамкор бўлгани учун фильм бутун республика бўйлаб катта қизиқиш билан кутиб олинган. Менга энг ёқадиган ва эсимда қолган жараён — поезд тепасида Рихсивой ака ва Дилфуза опам билан бирга ҳаракатланган сахналаримиз бўлган. Бу эпизодларни тасвирга олиш жуда мураккаб кечган. Поезд устидаги сахналарни Фарғона водийси йўналишида олганмиз, чунки у ердаги йўлларда тепада электр симлари йўқ эди. Поезд ичидаги сахналар эса Самарқанд йўналишида тасвирга туширилган.



— “Гап йўқ” кўрсатувчи ижодкорлари яна йиғилиб, лойиҳани давом эттириш истаги тугулса, қайтармидингиз? — Инсон улғайган сари танқидни тўғри қабул қилиш жуда ижобий қарайман, чунки танқид бор жойда изланиш ва ўсиш бўлади. Аммо баҳсли вазиятларда ёки келишмовчиликлар чиққанда сукут сақлашни афзал кўраман. Ҳатто кўполлик қилишса ҳам, “сизники маъқул” деб сукутга ўтиб оламан. Ижодда барибир жанжал ва тўполонлар учраб туради, шундай пайтда тинчлик сақлаган маъқул.



— Биз аслида ҳеч қачон тарқалмаганмиз. 1995 йилдан бери бир жамоа бўлиб ижод қиламиз. Афсуски, орада устозимиз Тўхтамурад Маҳкамов ва яқин ижодкор дўстимиз Олим ака оламдан ўтиб кетишди. Лекин қолган ижодкорлар билан доим алоқадамиз, тез-тез кўришиб тураемиз. Ҳозирда “Гап йўқ” жамоаси билан янги сценарий устида ишляяпмиз. Уни ситком ёки сериал тариқасида қайта тиклаш ниятимиз бор. Деярли 10 та қисмининг сценарийси тайёр бўлиб қолди. Эндиги масала — молиявий томонлар ва қайси канал орқали эфирга узатишда қолган. Мен ҳар доим ўзимни “Гап йўқ” гуруҳининг бир бўлаги деб биламан. Тўғри, ҳаммамиз улғайди, ҳар кимнинг ўз ташвиши бор, лекин гуруҳ тарқалгани йўқ, Насиб қилса, янги талқинда томошабинларга тақдим этамиз.

— Сизга қайси бири оғирроқ таъсир қилди: танқидми ёки сукут? — Инсон улғайган сари танқидни тўғри қабул қилиш жуда ижобий қарайман, чунки танқид бор жойда изланиш ва ўсиш бўлади. Аммо баҳсли вазиятларда ёки келишмовчиликлар чиққанда сукут сақлашни афзал кўраман. Ҳатто кўполлик қилишса ҳам, “сизники маъқул” деб сукутга ўтиб оламан. Ижодда барибир жанжал ва тўполонлар учраб туради, шундай пайтда тинчлик сақлаган маъқул.

— Бир кунлик ҳаётингизни бутунлай ўзгартириш имкони бўлса, нимани ўзгартирган бўлардингиз? — Агар шундай имконият берилганда, барибир ижод йўлини танлаган бўлардим. Лекин уша бир кунни ота-онам ва жигарим — акам билан бир-га ўтказиш учун сарфлардим. Улар ҳаётдан ўтиб кетишган, дийдорлари мен учун армон бўлиб қолган. Сизга тўғри маслаҳат берадиган, сизни йўлга соладиган инсонлар бу — ота-она ва яқин жигарлардир. Имкон бўлганда, уларнинг ёнида бир кун бўлса ҳам кўпроқ қолган бўлардим.

— Охириги марта қачон поезда чиқдингиз? Ўзбекистон темир йўллари ҳақидаги фикрларингиз қандай? — Аввало, “Ўзбекистон темир йўллари” жамоасига катта раҳмат айтаман. Мен ўз ижодим давомида темир йўл соҳасига оид кўплаб роликлар ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаганман. Март ойининг охирида Навоий вилоятига бормоқчи эдик, лекин чипталар олдиндан сотилиб кетгани учун чиқа олмадик. Поездда юришнинг ўзига яраша гашти ва муҳити бор. Купедаги суҳбатлар, электр самовардан чой дамлаб ичиш — буни фақат тушунган одам ҳис қилади. Ҳозир тезорар поездлар кўпайган, ривожланиш ва қўлайликлар сезиларли даражада яхшилانган. Темир йўл ҳамisha юртимизнинг кўрки ва юзи бўлиб келган. Фурсатдан фойдаланиб, “Темирйўлчи” газетаси ижодкорларига тақдир учун миннатдорчилик билдираман. Доимо соғ-саломат бўлинглар!

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди



**МУАССИСЛАР:**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

**Тахрир кенгаши:**

Раматов А.Ж. Нарзуллаев З.Ф. Сабиров Қ.С. Юсупов Ж.З. Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ — Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи — Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир — Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.

Бosh муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)

Қабулхона: (71) 236-48-92

Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди

ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-534

Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6